

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИ АНЪАНАВИЙ ТАОМНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари доктори

Аннотация. Мақолада маданий этнографик макон ҳисобланган Сурхондарё воҳаси аҳолисининг азалий турмуш тарзи ва ҳўжалик фаолиятига хос бетакрор миллий хусусиятларини акс эттирувчи анъанавий таомлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Сурхон воҳаси, таомлар, тановул, этнография, дастурхон, этикет, маданият, гастронимия, ҳўжалик анъанлари.

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые обычаи, связанные с традиционными блюдами и их символическое значение, социально-культурные традиции, связанные с блюдами населения Сурхандарьинской долины на базе этнографических материалов.

Ключевые слова: Сурханский оазис, еда, этнография, посуда, этикет, культура, гастронимия, хозяйственные традиции.

Abstract. The article presents the customs and traditional dishes and their symbolical meaning, some social- cultural traditions about the dishes of Surkhandarya valley people, on the bases of ethnographical materials.

Key words: Surkhandarya oasis, food, ethnography, dishes, etiquette, culture, gastronomy, household traditions.

Анъанавий таомлар ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек таомлари жуда бой ва хилма-хил бўлиб, уларнинг тайёрланиши ва истеъмол қилиш тартиблари аҳолининг ҳаёт тарзи, ҳўжалик машғулотида келиб чиққан. Сурхон воҳаси таомлари ҳозирги кунга қадар ўз анъанавийлигини сақлаб келмоқда. Учта ҳудуд - текислик, тоғ олди ва тоғли аҳолини ўрганишда ушбу аҳоли пунктлари аҳолисига хос бўлган кундалик ва йиллик овқатланишнинг кунлик ва йиллик цикли аниқланди. Бу ўзига хослик билан биргаликда таомларда тожик, туркман, қozoқ халқи таомларини учратишимиз нафақат табиий, ижтимоий-иқтисодий, балки қадимдан этномаданий алоқаларнинг умумийлиги билан ҳам характерланади. Бу шундан далолат берадики, узoқ йиллар давомида Ўрта Осиё ҳудудидаги халқларнинг бирга яшаб, ўзарo бўлган алоқалари таом турларининг кўпайишига ҳам олиб келган.

Инсоният ўзининг моддий, жисмонан мужассамланишида ҳам жисмонан, ҳам маънавий озуқа, яъни, тантанали, байрамона, кўрғазмали таомларсиз, яъни, моддий ифодасиз ўз-ўзидан мавжуд бўладиган қувонч ҳам, қайғу ҳам бўлиши мумкин эмаслигини англаш мумкин. Тарихнинг ҳoқ oғир кунлари ҳoқ енгил кунлари бўлсин, ўзбеклар доим байрам қилишга одатланганлар. Ўрта Осиёга ислом дини кириб келганидан кейин халқимизнинг миллий урф-одатлари қаторига бевосита ислом дини билан боғлиқ бўлган одатлар ҳам қўшилади: Никоҳ тўйи, Азон айтиш, Ақиқа, Танглай кўтариш, Суннат тўйи, Мавлуд ва бошқалар. Оила даврасида ва жамоа билан ҳар бир яхши кун байрам тарзида нишонланган. Оила даврасидаги байрамларга фарзанд туғилиши, никоҳ тўйи, суннат тўй ва ҳар хил бошқа тўйлар (ақиқа, юбилей ва бошқ.), дафн маросимлари, меҳмон чақиришлар бўлса, жамоа билан ўтказадиган байрамларига тақвимий, мавсумий, диний ва дунёвий байрамларга бўлинади. Бу байрамларнинг асосий кульминацион нуқтаси овқатланишдир.

Байрамона таомнинг ҳар қандай шакли, кўрғазмали тарзда ҳашаматли ёки маълум эътиқодлар ёки сеҳрли маросимлар билан боғлиқ ёки аксинча, овқатланишда ўзини ўзи чеклаш ҳақида сигнал берувчи ҳам бўлиши мумкин.

Агар илгари турли ҳудудлардаги аҳоли ўртасида байрам ва тантанали таомларда сезиларли фарқлар мавжуд бўлган бўлса, бу биринчи навбатда тенг бўлмаган табиий-иқлим шароитлари,

шунингдек, кишлоқларнинг урбанизация даражаси ва уларнинг маданий эҳтиёжлари ва имкониятлари туфайли эди.

Энди текислик ва тоғ кишлоқ аҳолисининг дастурхонидаги байрам ва маросим таомларининг таркибида деярли фарқ йўқ ва, албатта, бу ҳар бир оиланинг моддий аҳволига боғлиқ. Ҳозирги вақтда кўплаб анъанавий байрам таомлари нафақат сақланиб қолган (машаққатли таомлар ҳам, масалан сумалак, ҳалим ва бошқ.), балки янгилари ҳам пайдо бўлди.

Одатда, байрамлар хурсандчилик кунлари ҳисобланиб, бу кунларда кўпчилик кўнгилчоғлик янада яхши бўлишини истаб, тансиқ таомлар истеъмол қилишни ҳоҳлайди. Мўл-кўл дастурхон, байрамнинг ўзига хос белгисидир.

Таом ва таомлар билан боғлиқ удумлар ҳар бир халқ моддий маданиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланиб, улар орқали ўзига хос турли маданиятлар шаклланишининг йўли, хусусияти ва бошқа эл-элатлар билан ўзаро алоқадорлигига оид қимматли маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Анъанавий байрам таомларини янги йил таомлари; ҳайитларда тайёрланадиган таомлар (қурбон ҳайити, рамазон ҳайити) ва диний маросимларда тайёрланадиган таомларга бўлиб таснифлаш мумкин. Аҳолининг байрам таомлари орасида мусулмон байрамлари ва рўза давридаги анъанавий таомлар, уларнинг тайёрланиши ва тановули ўзига хос локал аҳамият касб этади.

Воҳада қадимдан маросимларда пишириладиган таомлар кейинчалик байрамларда тайёрланадиган бўлган. Ёки илгари бир маросимда айнан ўша таом тайёрланган бўлса, вақт ўтиши билан ўша маросимда бошқа таом тайёрланиши кузатилди. Жумладан, “Дарвишона” маросимида ёрма тайёрланган бўлса, кейинчалик бу таом ўрнини қайнатма шўрва эгаллади. Шунинг ҳам айтиш керакки, таом таркиби, маҳсулотлари ўзгарган бўлсада, маросимларнинг ўтказилиши, яъни таом тайёрлаш тартиблари ўзгармаган (садақа чиқариш, ош худойи ва бошқалар).

Маросим таомлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унда аҳолининг касби, ҳўжалик фаолияти, эътиқодига кўра бир-бири билан ўзаро мулоқотга киришган. Жумладан, “касбини баракасини берсин”, деб одамлар маросим ўтказиб, таом тарқатишган (темирчилар “Довуд пайғамбар” га, чорвадорлар “Чўпон ота” га, деҳқонлар “Бобо Деҳқон” га ва бошқ.) ва бирга жамоа бўлиб тановул ҳам қилишган. Таомлар билан боғлиқ бундай урф-одатлар ҳўжалик машғулотининг яхши, баракали бўлиши ниятида бажарилган.

Шунингдек, қийин иқлим шароитида яшовчи аҳолининг анъанавий озиқ-овқат рационали яхши сақланиши учун ҳам маҳаллий аҳоли байрам ва маросимлари барча урф-одатларга риоя қилинган ҳолда ўтказилган.

Йил фаслларига қараб ҳам тақвимий маросимлар ўтказилган. Қиш ва ёз фасллари тўқсон кунлик тақвим асосида ойларга бўлинган. Бундан ташқари қишги чилла ва ёзги чилла деб аталадиган ҳар бири қирқ кундан иборат бўлган ҳисоб ҳам юритилган. Воҳа деҳқонлари йилни тўрт фасл асосида қуйидаги ойларга тақсим қилган: Баҳор: ҳамал, савр, жавзо. Ёз: саратон, асад, сунбула. Куз: мезон, акраб, қавс. Қиш: жаддий, далв, ҳут. Ана шу фаслларга қараб ер ҳайдалган, уруғ сепилган, ҳосил йиғиштирилган.

Жумладан, деҳқон ҳўжаликларида экин экиш, ҳосилни йиғиб олиш билан боғлиқ, “шамол чақириш” (ҳайдар), “ёмғир чақириш” (сушт хотин), “қовун сайли”, “узум сайли”, “дарвишона”, “шоҳмойлар” каби маросимлар ўтказилган бўлса, чорвадор ҳўжаликларда эса “тўл тушиш” (қўзилатиш мавсуми), “қўйларга қўчқор қўшиш”, “қут қуйдириш” сингари маросимларда ҳўжалик аъзолари томонидан биргалашиб, маросим таоми тайёрланган ва тановул қилинганки, бу инсонлар орасида илиқ муносабатларни ўрнатишига сабаб бўлганлиги кўринади.

Шунинг ҳам айтиш керакки, юқоридаги мисоллардан табиат руҳларини тўйинтириш учун қурбонлик таомларини тайёрлаш, табиат руҳларига миннатдорчилик маросими ўтказиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилганлигини кузатиш мумкин. (сув пири Сулаймон ота, шамол пири Мирҳайдар ва бошқ.)

Кундалик ва байрамона таомлар, бошқа муҳим омиллар билан бир қаторда, ҳар бир этноснинг маданий ўзига хослигини сақлаб қолишга таъсир кўрсатади. Жумладан, ўзбеклар

Наврӯзда сумалак пиширса, Европада Рождество байрамида дастурхонга курка гўшти қўйилади, хитойликлар эса Совуқ таом байрамида гуруч унидан пиширилган совуқ таомларни қўядилар.

Наврӯз барча байрамлардан кўплаб архаик элементларни ўз ичига олган озиқ-овқатнинг ўзига хос турларини истеъмол қилиш билан ажралиб туради (сумалак). Ушбу байрам бир йил алмашинуви, тенг кунлик билан боғлиқ бўлиб, маросимий фаолиятда озиқ-овқат катта аҳамиятга эга. Ушбу байрамнинг энг муҳим маросим таоми сумалак қадимги анъаналарга кўра ундирилган бугдойдан пиширилади. Буларнинг барчаси таомланишнинг рамзий фазилатларига эга.

Маросим дастурхонининг асосий таомлари ва маросим тушунчалари кенг этник маданий мазмунга эга тушунчаларга айланди. Дастурхонга маросим элементлари (*қатлама, сўзма, бўғирсоқ*) ни қўйиш, шунингдек, мавқеига қараб дуо қилиш тартиби, одати бугунги кунгача сақланиб қолган.

Бугдой донини кўкартириш жараёни ҳам ўзига хос усулда бўлган. Кузда экилган бугдой тозаланиб, уй ҳароратида ёйиб қўйилган ва вақти-вақти билан сув сепиб турилган. Бугдойнинг кўп ўсиб кетмаслигига ҳам алоҳида эътибор беришган. Агар кўп ўсиб кетса, сумалак пишгач аччиқ бўлиб чиққан. Сумалак учун қўйилган донларга нопок одамларнинг кўзи тушмаслиги учун пана жойда ўстирилган ва фақат дон қўйган кишигина таҳорат олиб, сув сепиб турган. Байрамона таом ҳисобланганлиги учун азадор хонадонларда сумалак тайёрланмаган. Оппок ниш уриб чиққан майса орасидан қизил ниш уриб чиқса, бу ўстирилган бугдойдан сумалак қилишмаган, чунки қизил ниш ҳосиятсизлик аломати бўлиб, бирор фалокат олиб келиши мумкин деб ўйлаганлар. Сурхон воҳасида бундай ҳолатлар бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Байрамона таомлар этник гуруҳнинг ўз ички ҳамжамиятини, унинг бошқалардан, ҳатто маданияти ўхшаш ёки яқин бўлган этник гуруҳлардан фарқини билишда муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга, ушбу таомнинг маҳаллий хусусиятлари, ички этник маданиятни англашда ёрдам беради.

Халкнинг байрам ва маросим амалиётлари ўртасидаги турли хил алоқалар овқатланишнинг асосий шакллари иқтисодий ва маданий турлари билан боғлиқ. Бир томондан, таомланишнинг қандай муқаддас ва диний жиҳатлар билан тобора кўпроқ банд бўлганлиги кўринади, бошқа томондан, кейинги давр билан боғлиқ бўлиб, бу муқаддас ва диний жиҳатлар ўз аҳамиятини йўқота бошлаган ва ғайриоддий (кундалик бўлмаган) озиқ-овқат турлари аста-секин кундалик овқатлар билан мувозанатлашган.

Қайсидир таом у ёки бу байрамнинг тимсолига айланди ва бугунги кунда у ёки бу байрамнинг таомномасида сақланиб қолишига сабаб эса, маълум бир маҳсулотлар мавжудлигининг мавсумийлиги, диний урф-одатлар, шунингдек, маълум бир таомнинг нуфузи омили ҳисобланади. Ушбу таомларнинг кўпчилиги ўнлаб йиллар ва ҳатто асрлар давомида содир бўлган деҳқон ва чорвадор ошхонасининг симбиозидир.

Фақатгина катта тантаналарнинг таомлари эмас, балки бир-бирига тортиқ қилинган оз миқдордаги таомларни тановул қилиш ҳам одамлар орасида илиқ муносабатларни ўрнатган. Жумладан, сигир бузоқлаганда қўни-қўшниларга гилагай улашиш, янги тандир ўрнатганда ёғлиқ патир пишириб тарқатиш, таом узатганда идишни бўш қайтармаслик каби урф-одатлар эзгуликка йўғрилгандир.

Тадқиқотлардан шу нарса аён бўлдики, тўй-тантаналарнинг таомлари табаррук саналганлиги туфайли кўпроқ тановул қилишга ва ҳатто уйга олиб кетишга ҳаракат қилинган. Бундан ташқари, ёшини яшаб, бахтли турмуш кечирган инсонларнинг маърака маросимларида ҳам табаррук деб, олдига қўйилган таомни охиригача истеъмол қилишган ва дастурхондаги мева-чевалардан уйга ҳам олиб кетилган. Жумладан, “пайғамбар ёши тўйи”, “минг ойлик тўйи” ва “шукроналик тўй”ларида оқ рўмол тарқатилади. Рўмолга нон, мева-чевалар тугиб берилади. Бу тўйларда асосан шўрва ва палов қилинади.

Кўпгина байрамлар ўзининг гўзаллиги ва кўламини йўқотганига қарамай, рамазон мусулмонлар учун энг муҳим байрам бўлиб қолмоқда ва ҳалол таомларни истеъмол қилиш,

дастурхонда сув, нишолда, хурмо (финики), майиз ва ҳолвалар ҳамда ширинликлар унинг асосий рамзлари. Совет даврида ҳам рўза тутишни канда қилмаганлар бўлган ва улар сахарлик вақтида қуйидагича ният қилар эканлар:

Рўза тутдим ор учун, нозу-неъмат бор учун,
Рўзамни қабул қилинг, бир чивинча жон учун.

Рамазон Ҳайитида албатта 3 кун давомида ширинликлар пиширилади, улашилади, тарқатилади ва биргаликда баҳам кўрилади. Қурбонлик Ҳайитида эса 3 кун давомида қўй сўйилиб, пиширилади, улашилади ва биргаликда тановул қилинади.

Ўтмишдаги маҳаллий анъаналар бошқа минтақаларнинг анъаналари ёки халқаро ошхона анъаналари билан аралшиб кетди. Анъанавий таомларнинг гастронмик фестиваллари оммавийлашиб, ёшларни ўзига жалб қилмоқда, жумладан, мазали пишириклар намоиши.

Байрам таомномаси ҳам ўзгариб, у янги таомлар билан тўлдирилиб бормоқда. Бу биринчи навбатда ярим тайёр таомлар ва пиширикларга тегишли. Ўз ўрнида айтиш керакки, бу глобал иқтисодиёт ва ярим тайёр маҳсулотларга асосланган пишириш технологиясига ўтиш билан боғлиқ. Бугунги кунда макарон, лағмон, пельмень, лаваш хамир, қийма гўшт каби ярим тайёр маҳсулотлар уй бекасининг таом тайёрлашдаги ёрдамчи маҳсулотларига айланган.

Бугунги кунда шаҳар аҳолиси ўзларининг урф-одатларини намоиш этишга, кишлоқ урф-одатларини, жумладан, қўлда овқатланишни ва ҳоказоларни қайта тиклашга ҳаракат қилмоқдалар. Айни пайтда байрамона зиёфатда услублар аралашмасини - шаҳар ва кишлоқни кузатишингиз мумкин. Бу эса, ўзбек ошхонасининг барқарор сақланишини яққол намоиш этади.

Кўп байрамона таомларнинг ўзгариши пиширишни такомиллаштириш йўлидан борди, аҳоли таомнинг эстетик кўринишига катта аҳамият беришни, безашни бошлади. Ресторанларда мижозга хизмат кўрсатиш ва шунингдек, байрамни шаҳар меъёрларига мувофиқ ташкил қилишда маҳоратларини намоиш этмоқдалар. Ҳозирги вақтда урбанизация, аҳолининг ҳаракатчанлиги, фаровонлик ва оилавий овқатланишни «модада» ёки «ресторанда» ташкил қилиш учун ресурсларнинг ортиши таъсири остида байрам дастурхони маданияти сезиларли даражада ўзгариб бормоқда. Байрамона зиёфат қисмларининг анъанавий нисбати бузилиб бормоқда - мўл-кўл чой дастурхони, жумладан, иссиқ гўшт ва балиқ овқатлари, баъзи ҳолларда асосий овқат ўрнини боса бошлайди. Демак, замонавий байрам таомлари ҳам мустамлакачилик даврида кириб келган таомларни, ҳам анъанавий бўлиб қолган таомларни ўз ичига олади. Тановул жараёни эса бир қатор ўзгаришларга бойлиги билан бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу давлатнинг олиб бораётган ислохотлари миллий таомларга нисбатан ғурурнинг ўсиши билан ҳам боғлиқдир.

Айтиш мумкинки, аҳолининг маросим таомлари жумласига кирадиган ширбиринч, ёрма ош, умоч ош, қора ош, хатим оши, йил оши, ҳолвайтар ва ис чиқаришда тайёрланадиган пишириклар; Наврўз ва бошқа халқ байрамлари; Ийди Рамазон, Ийди Қурбон ҳайитларида; бешик тўй, никоҳ тўй, суннат тўй, мучал тўй, пайғамбар ёши маросимларида; Мушкулкушод, Биби Сешанба, мавлудлик каби маросимларда пишириладиган таомлар ҳамда мазкур маросимларда тайёрланадиган таомларнинг таркиби, номланиши, тайёрланиши ва тановул қилиниши жараёнида маълум бир жинсий, ижтимоий ва диний жамоа вакиллари, жамоа, уруғ, этнос, ўзаро ижтимоий муносабатлари ҳам намоён бўлади.

Қолаверса, маросимий равишда тайёрланган таомларни биргаликда истеъмол қилиш одамлар орасида дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик ва қариндошлик алоқалари жадаллашувига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, маросим таомлари жинси ва ёшидан қатъий назар ҳамма уни истеъмол қилиши ҳамда бутун жамоани бирлаштирувчи хусусиятга эга эканлиги, ёки аксинча, бошқа маросим таомлари турида турли жинс вакилларининг биргаликда таом истеъмол қилиши мумкин эмас, яъни таомга нисбатан таъқиқ қўйилиши (Мушкулкушод, Биби Сешанба ва б.) ҳам мумкин. Демак, бир сўз билан айтганда, маросим таомларининг инсонларни бир-бирига бирлаштирувчи вазифасидан ташқари, шифобахшлик, тўйимлилик, кўргазмалилик, мавсумийлик, ҳимояловчи, покловчи, таъқиқловчи каби қатор хусусиятлари,

шу билан бирга таомларга магик кучга эга сифатида ҳам қаралганлигини (узма ош, кескан ош, умоч ош, буламиқ, ширгуруч, мошкичири, қовурмоч, ҳолвайтар, тухум ва бошқ.) кузатиш мумкин. Халқнинг байрам ва тантанавий таомлари ҳақидаги материалларни умумлаштириш бундай таомларнинг рамзий ва кўргазмали жиҳатлари этник ўзига хосликни сақлашда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати:

1. Листова Н.М. Пища в обрядах и обычаях // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. – М., 1983.
2. Қорабоев У. Одатнома. – Тошкент: O'zbekiston, 2016.
3. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Т.: Шарқ, 2002.
4. Исоқов Б.Р., Исакова Н.Б. Наврўз байрамининг маросимий таомлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент-Наманган, 2007.
5. Бўриев О. Наврўз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990.
6. Йўлдош Муқим ўғли Оташ. Наврўз накли. – Тошкент, 1992.
7. Жавлиев Т. Анъаналар – ҳаёт сабоғи. – Тошкент, 1992.
8. Қурбонов Ш., Қурбонов А. Тўғри овқатланиш қоидалари. - Т.: “O'zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2014. – Б. 114.